MILLIY KUTUBXONA
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 24 MAY ◆ PAYSHANBA ◆ № 59 (26.761)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 май куни Оқсаройда Германия Федератив Республикаси вице-канцлери, ташқи ишлар вазири Йозеф Фишерни қабул қилди.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Маълумки, шу йил апрель ойида мамлакатимиз раҳбари расмий ташриф билан Германияда бўлган эди. Ғоят муваффақиятли кечган ушбу сафар чоғида ташқи ишлар вазири билан ҳам музокара ўтказилди. Й.Фишернинг юртимизга ташрифи манфаатли ҳамкорлик руҳидаги ана шундай мулоқотларнинг узвий давоми бўлмоқда.

— Сиз билан Ўзбекистонда кўришиб турганимдан мамнунман, — деди Ислом Каримов Оқсаройдаги учрашувда. — Фурсатдан фойдаланиб, Германияда Ўзбекистон делегациясига кўрсатилган иззат-икром, самимият ва эҳтиром учун сизга, сиз орқали ГФР Президенти ва канцлерига яна бир бор миннатдорлик билдирмоқчиман.

Й.Фишер Ўзбекистон — Германия муносабатлари янги ривожланиш палласига кирганини мамнуният билан таъкидлар экан, юртимизга ташрифидан кўзланган мақсад, алоқалар кўламини янада кенгайтириш имкониятларини ўрганиш ва мавжуд масалани музокараларда батафсил муҳокама этишдан иборат эканлигини билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон — Германия муносабатларига оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

■ (ЎзА)

Суратларда: қабул пайти.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар

ЯНГИ ЦЕХНИНГ ТУРФА МАҲСУЛОТЛАРИ

«Самарқанддон» акциядорлик уюшмаси жамоасининг саъй-ҳаракатлари ва ташаббуси билан бир неча йиллардан буён фаолият кўрсатмаётган цех ўрнида янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, жаҳон андозаларига мос тансиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган маскан барпо этилди.

— Цехимизда буғдойнинг 4, арпа ва маккажўхорининг 3 хил ёрмаларини ишлаб чиқармоқдамиз. Илгарилари бу хил маҳсулотларни четдан келтирардик. Эндиликда эса парҳез ва тўйимли таомларга масаллиқ бўладиган бу хил маҳсулотларни четга ҳам сотамиз, — дейди уюшма раиси Зоир Каримов. — Биласизми, маҳсулотларимиз ҳарбий қисм, шифохона, қариялар уйи ва болалар боғчаларида жуда асқотади. Нижний Новгород шаҳридан келтирилиб ўрнатилган замонавий асбоб-ускуналар билан ойига 150 тоннадан зиёд маҳсулотларни ишлаб чиқиб, мижозларга етказиб берамиз.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

2001-2005 ЙИЛЛАРДА КОМПЬЮТЕР ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, «ИНТЕРНЕТ»НИНГ ХАЛҚАРО АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИГА КЕНГ КИРИБ БОРИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Замонавий компьютер ва ахборот технологияларини иқтисодиёт, фан ва таълимнинг барча соҳаларига кенг жорий этиш, халқаро ахборот тизимларига, шу жумладан, «Интернет»га кириб боришини кенгайтириш, юқори малакали дастурчи-мутахассислар тайёрлаш даражасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш бўйича махсус ишчи гуруҳ ташкил этилсин.

2. Махсус ишчи гуруҳ:

республикада компьютер ва ахборот технологияларини ташкил этиш ва ривожлантириш, дастурий таъминлаш, компьютер асбоб-ускуналари ва ахборот тармоқлари соҳасида кадрлар тайёрлаш, «Интернет»нинг халқаро ахборот тармоқларига кириб бориши ҳолатини ва унинг амалий қўлланилиши даражасини чуқур ва батафсил ўрганиб чиқсин;

мазкур таҳлил асосида уч ой муддатда 2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига Ҳукуматнинг тегишли қарори лойиҳасини киритсин.

Дастур лойиҳасини шакллантиришда:

иқтисодиёт тармоқларида, умумтаълим мактаблари, коллежлар ва лицейлар, олий ўқув юртларининг ўқув жараёнида замонавий компьютер ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, тегишли таълим стандартларини ишлаб чиқиш;

республиканинг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида замонавий компьютер ва ахборот технологиялари бўйича юқори малакали дастурчилар ва мутахассислар тайёрлашни ташкил этиш даражасини ошириш;

дастурий таъминлаш, компьютер ва тармоқ асбоб-ускуналари, рақамли телекоммуникациялар соҳасида мутахассислар тайёрлайдиган ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ташкил этиш;

республика ўқув ва тадқиқот муассасалари, корхоналари ва ташкилотларининг халқаро ахборот тармоқларига, шу жумладан, «Интернет»га кенг кириб боришини таъминлаш;

компьютер ва ахборот технологиялари соҳасида асбоб-ускуналар ва техник воситалар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш;

компьютер ва ахборот технологиялари соҳасида норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Махсус ишчи гуруҳ Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргаликда Ҳукумат қарори лойиҳасини тайёрлашда ахборот тизимлари ва тармоқларини ташкил этиш, ривожлантириш ва уларнинг ўзаро ҳамкорлигига, истиқболли дастурларни ишлаб чиқиш, тармоқ стандартлари ва нормативларини белгилашга доир ишларни мувофиқлаштирувчи Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш марказини ташкил қилиш юзасидан таклиф киритсин.

4. Республика корхоналари ва ташкилотларидан, халқаро ташкилотлардан хомийларни, шунингдек, хорижий инвесторларни кенг жалб этган ҳолда Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.Голишев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 23 май

ХАЛҚАРО СЕМИНАР

БЕҒУБОРЛИК ДУНЁСИ

«Болаларнинг илк ёшидан ривожланиши» мавзуидаги бир ҳафталик «Чимён» анжуманида ЮНИСЕФ вакиллари, АҚШ, Туркия, Югославия, Шотландия ва Япония каби мамлакатлардан келган олим ва мутахассислар, Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистондан делегация аъзолари ва Туркманистон вакиллари қатнашишди. «Оналар ва болалар» йили муносабати билан республика маорифи жабҳасида амалга оширилаётган тадбирлар, айниқса, болаларнинг илк ёшидан ривожланиши борасида ЮНИСЕФ томонидан кўрсатилаётган ёрдам, муҳими бу мавзудаги семинарнинг Ўзбекистон учун катта аҳамиятга эга эканлиги хусусида атрофлича фикр юритилди.

— Халқаро анжуманнинг Ўзбекистонда ўтишининг ўзи бу юртда ёш авлодга ғамхўрлик катта эканлигидан далолат беради, — дейди ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Руди Родригес. — ЮНИСЕФ ташкилотининг ташаббуси билан ташкил этилган бу тадбирда болаларнинг туғилганидан кейинги ҳаётини сақлаш, уни соғлом ўсиши, руҳий ва ақлий жиҳатдан яхши ривожланишини таъминлаш, уни илк ёшдан тарбиялаш ЮНИСЕФ ҳамда Марказий Осиё, Қозоғистон Республикалари ўртасида 2000-2004 йилларга мўлжаллаб тузилган ҳамкорлик дастурининг асосий йўналишларидан бирини ташкил этади. Болаларни илк ёшдан ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар қилинган. Бу ернинг ўз экспертлари бор. Ўзбекистонда янгитдан инвестиция қилишга ҳожат йўқ. Мамлакатда хонадон боғчалари бўйича катта ютуқлар қўлга киритилган. Биз яна шунинг гувоҳи бўлдикки, республикада мактабгача тарбия бўйича ўз соҳасининг билимдону жонкуяр усталари кўп. Демак, ишни бундан-да яхшилаш учун асос мавжуд.

— Мен тажриба алмашиш учун Ўзбекистонга келдим. Ўйлайманки, Ўзбекистондаги хонадон, маҳалла боғчалари тажрибаларини ўрганиб Туркияда ҳам қўлласа бўлади, — дейди ЮНИСЕФнинг туркиялик консультанти Экрем Дузен.

Анжуман қизғин баҳс ва мунозарали ўтди. Маълумотларга кўра, бир йилда 129 млн. атрофида бола дунёга келади. 1 млн. бола номаълум сабабларга кўра нобуд бўлади. Бугунги кунда ер юзида 500 млн. бола моддий қийинчилик шароитида, яна 500 млн. болалар уруш ва турли хавф-хатарлар остида яшамоқда. Ҳар йили 13 млн. бола СПИД ва бошқа хавфли касалликлар таъсирида қурбон бўлмоқда. Ваҳоланки, дунёга келган ҳар бир гўдак шу ондан бошлаб турли нохушликлардан ҳимояланиши, яхши шароитда улғайиб, соғлом ва бақувват ўсиши, ривожланиши керак.

Меҳмонлар Қува, Қиргули туманидаги хонадон боғчаларида, Марғилондаги боғча-мактаб мажмуаларида, Бағдод туманидаги маҳаллаларда бўлишиб, у ерда болажонлар, ёш оналар, ҳомиладор аёллар учун яратилган қулай шарт-шароитлар билан танишдилар. Ўзбекистон болаларининг боғчага жалб этилиши, гўдакларимизнинг, ёш оналарнинг ижтимоий, саломатлик жиҳатдан ҳимояланганлигининг гувоҳи бўлдилар.

■ **Зуҳра ШОКИРОВА**

***

Машрабжон НУРИНБОЕВ олган суратлар

МАРРА

ЮКСАК ПИЛЛА ХИРМОНИ

Сурхондарё вилояти пиллакорлари 2001 йилги шартнома режасини ошиғи билан адо этдилар. Давлатга 830 тоннадан зиёдроқ кумуш тола топширилди.

Пилла ҳосилининг ҳар қачонгидан мўл бўлиши бу йил бошиданоқ тутчилик агротехникасига жиддий эътибор қаратилганлиги, воҳа иқлимига мос ипак қурти уруғлари келтирилганлиги самарасидир. Шунингдек, оилавий пудратчиларга етарли шарт-шароитлар яратиб берилди. Уларга етиштирилган ҳосилнинг 25 фоиз пули олдиндан тарқатилди.

Вилоятнинг барча туманларида пилла ҳосили баракали бўлди. Қизириқ тумани пиллакорлари ҳар қути ипак қуртидан 55, олтинсойликлар ва ангорликлар 52 килограммдан ҳосил олдилар. Қумқўрғон, Жарқўрғон, Музработ, Шўрчи, Шеробод туманларида ҳам белгиланган йиллик режадан ошиқ пилла топширилди. Барча туманларда ҳозир пилла топшириш қизғин давом этмоқда.

■ **Абдурасул ЖУМАҚУЛ**

ХДП ҲАЁТИ

«ГУВОҲНОМАНИ ЎЗИМИЗ ТОПШИРАМИЗ»

Халқ демократик партиясининг ярим миллиондан ортиқ аъзолари ичида ёшлар кўп. Бугунги кунда кўплаб ёшларимизнинг ХДП сафига кираётганлиги бу партиянинг нуфузи ва келажагини қай маънодадир ифодалаётгандай.

Бунга биргина мисол тариқасида Тошкент шаҳрининг «Ёшлик» шаҳарчасида партия кенгаши тузилганлигини айтиш кифоядир. Шаҳарчанинг ёш фуқароларида партия сафига қўшилишга нечоғлик рағбат борлигини юқоридаги мисолдан бемалол билиш мумкин.

Шаҳарча ҳокими Аъзам Акромхўжаев талабаларнинг қизиқишини Марказий Кенгаш котиби Аслиддин Рустамовга ҳазил аралаш лутф қилди:

— Анча-мунча талабалар ариза беришди. Улар партия раҳбарлари қўлидан партия гувоҳномаларини олишни хоҳлашяпти.

«Ёшлик» шаҳарчаси ҳокимлиги, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника дорилфунуни ва партиянинг «Ёшлик» шаҳарча кенгаши уюштирган кечага ташриф буюрган Марказий Кенгаш котиби эса бу лутфни эшитиб яна бир шундай кеча ҳомийлигини партия ўз зиммасига олишини айтди:

— Ана шу кечада уларга аъзолик гувоҳномаларини ўзимиз тантанали топширамиз.

Конституцияни ўрганишга бағишлаб ўтказилган ушбу кечадаги ҳоким билан котиб ўртасидаги дипломатиядан эзгу бир ишга қадам қўйилди.

Кечада боғча тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари ва олий ўқув юртларининг талабалари конституцияга оид олган билимларини намойиш қилдилар. Тадбирга Тошкент геология-қидирув техникуми қошида ташкил этилган турон якка кураши билан шуғулланувчи спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари файз киритди.

■ **Акбар ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ОЧИК ГАПЛАР

ТОМЧИ СУВНИНГ ҚАДРИ ТОҒДАЙ

Қорақалпоғистон деҳқонига мана иккинчи йилдирки, сув танқислиги оқибатларини енгишга тўғри келяпти. Республиканинг биринчи раҳбаридан тортиб, оддий деҳқонгача қандай қилиб сувдан оқилона фойдаланиш, бир томчисини ҳам исроф қилмаслик чораларини кўряпти. Туманларга сув режалаштирилган ҳолда, махсус график асосида берилятпи. Унинг ҳар бир қатрасидан фойдаланиш қатъий назорат остига олинган. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг сув танқислиги оқибатларини енгиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақидаги 279, 417-қарорлари юзасидан амалга оширилаётган ишлар деҳқонга мадад бўляпти.

Шимолий туманлардан бири — Қўнғиротда сув танқислиги ўзининг оқибатларини яққол кўрсатди. Ўтган йил экин майдонларининг сув билан таъминланиши 19 фоиз бўлди, холос. 38 минг гектар майдоннинг 28534 гектарига экин экилди. Шундан 16734 гектаридангина ҳосил йиғиштириб олинди.

Охунбобоев номли ширкат хўжалигининг ижарачиси Жабборберган Ўтепов ўтган йилги шароитда ҳам 26 гектар ерга буғдой экиб, 55 центнердан ҳосил кўтарганди. Бу йилги кузги буғдойи эса кўкармади. 26 гектар ерга сепилган уруғлик, меҳнат, харажат зое кетди.

Ижарачи 12 гектар ергагина чигит эколди, холос. Чигитлар униб чиқди. Ишчи кучи, техника ташвиши йўқ. Агар ғўзалар лозим пайтда сув ичса, ижарачининг асосий даромад манбаи — 12 гектар пахта майдонида ҳосил бўлади.

Ширкат хўжалигида бу йил режа бўйича 3271 гектар майдонда деҳқончилик қилиниши керак эди. 400 гектар ернинг шўри ювилди, холос. Жами 386 гектар ерга экин экилиб, шунинг 240 гектарига чигит қадалди.

— Энг аввало дарахтларни сақлаб қолиш, аҳолининг томорқаларини сув билан таъминлашга эътибор қаратдик, — дейди ширкат хўжалиги раиси Ўсарбой Кудёков.

Раиснинг бу гапидан кейин томорқалар, ариқлар чеккасидаги ям-яшил дарахтларга эътибор бердик. Дарҳақиқат, сув танқислиги уларга таъсирини кўрсатмабди. Томорқалар тўла бўлмаса-да бир қисми экилган, помидор, бодринглар гулга ўтирибди, жўхорилар бўй кўрсатиб қолган.

Ширкат хўжалиги ерлари тўлалигича насос ёрдамида суғорилади. Ҳозир ширкат суғориш тармоқларида олтита СНП 500/10 насослари ишлаяпти. Сув сероб бўлган шароитда ҳам деҳқоннинг сув таъминотидан кўнгли тўқ бўлиши учун ширкатга яна бешта СНП 120/30 насослари керак. Охирги ўн йил ичида ўтган йилигина битта насос олинган. У ҳам республика Вазирлар Маҳкамасининг юқорида тилга олинган қарори асосида ёрдам сифатида берилган.

Дарвоқе, ўтган йил Қўнғирот туманига шу қарор бўйича 6 та насос ажратилган бўлиб, ҳозиргача тўрттаси олинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 417-қарори асосида бу йил ҳам Қўнғирот туманига тўртта насос ажратиш белгиланган. Аммо, ҳозиргача биттасиям олинмаган. Демак, қаердадир, кимдир деҳқоннинг меҳнатини енгиллаштиришга қаратилган махсус қарорнинг бажарилишига панжа орасидан қараяпти...

Тумандаги узоқ қишлоқлардаги аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ҳам муаммо бўлиб турибди. Бу йил Қорақалпоғистонда Жаҳон банки ёрдами билан 1800, БМТ гранти билан 300 қўл насослари қуриш режалаштирилган. Жаҳон банки лойиҳаларини амалга ошириш бўйича Қорақалпоғистондаги ҳудудий раҳбар Расберген Камолов ҳозирча бешта шимолий туманда 800 та қўл насоси ўрнатилганини, аммо Қўнғиротда бундай насослар қурилмаслигини билдирди. Туманнинг ер ости сувлари жуда шўр, деб изоҳлади у бунинг сабабини.

Қўнғиротликлар эса бундай қўл насослари жуда керaклигини, нафақат ўзларининг ичимлик суви, молларни суғориш ва бошқа эҳтиёжлар учун ҳам сув муаммо бўлиб турганини айтишганди. Транспортлар ёрдамида ташилиб берилган сувнинг томчисини қадрлаб ишлатишяпти...

Ана шу масала умуман Қорақалпоғистонда қандай ҳал бўлаётганини билиш мақсадида Қорақалпоғистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига мурожаат қилдик. Вазирлар Маҳкамасининг 279-қарори асосида ажратилган 70 дона сув чиқариш насосларидан 62 таси туманларга тарқатилиб, ўрнатилган. 8 таси энди ўрнатилади, чунки охирги марта насослар яқинда, апрель ойида олинган. Вазирлар Маҳкамасининг 417-қарори асосида эса 60 та шундай насослар ажратилиши белгиланган. Уларнинг дастлабки ўнтаси олиниб, тўрттаси ўрнатилган.

■ **Шарофат ЙЎЛДОШЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ХДП ХАБАРЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА

Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши ижроия бюросининг навбатдаги йиғилишида халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши депутати Мўмин Қўчқоровнинг депутатлик фаолияти тўғрисидаги ахбороти тингланди. Унда депутат аҳолининг ижтимоий масалаларига эътибор билан қараётганлиги, айниқса, Сирдарё шаҳридаги Ногиронлар уйини таъмирлаш ишларига кўмаклашаётганлиги таъкидланди.

Шунингдек, мазкур вилоят партия кенгаши республика «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда, Ховос, Боёвут туманлари ва Ширин шаҳрида «Истиқлолимиз — истиқболимиз» мавзуида, учрашув, мулоқот, «давра суҳбат»ларини ташкил этди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Пайариқ туман партия кенгашининг навбатдаги пленумида мазкур ташкилотнинг Ўзбекистон ХДП МК III пленуми қарорларидан келиб чиқадиган, вазифалари муҳокама этилди. Шунингдек, пленумда ташкилий масала кўрилди. Норжигит Жуламов Ўзбекистон ХДП Пайариқ туман кенгаши биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгашининг котиби Р. Ҳамроқулов ва Пайариқ туман ҳокими Ш.Остонов иштирок этдилар.

* * *

Партия Қўшкўпир туман кенгаши «Ўртаён» қишлоғида уруш ва меҳнат фахрийларининг учрашувини ташкил этди. Муҳтарам отахон ва онахонларга эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, мазкур туман партия кенгаши «Диний ақидапарастликка қарши курашда маҳалла ва жамоат ташкилотларнинг ҳамкорлиги» мавзуида, туманнинг 12 та маҳалласида йиғилишлар ўтказди.

* * *

ХДП Хонқа туман кенгаши, туман хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда, «Она ва бола» Давлат дастури доирасида, «Она ва бола — гул билан лола» мавзуида, Беруний номли 41-сон мактаб негизида туман ўқитувчиларининг кўрик-танловини уюштирди.

* * *

ХДП Шароф Рашидов туман кенгаши, «Устоз ва шогирд» Давлат дастурининг бажарилишига яқиндан кўмаклашиб, туман ёшларига касб-ҳунар ўргатиш, улар орасида ҳунармандчиликни ривожлантириш ниятида, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Тадбиркорлар уюшмаси туман бўлимлари билан ҳамкорликда, кўпгина тадбирларни амалга оширди. Жумладан, юздан ортиқ ёшларга тумандаги партия фаоллари — Д. Қўшбоқова, О. Холтаева, Н. Шербўтаева, Ш. Маматов тикувчилик, каштачилик, зардўзлик, гилам тўқиш, дурадгорлик бўйича ҳунар ўргатмоқдалар. Партия туман кенгаши, мунтазам равишда ҳунармандчилик бўйича кўрик-танловлар ўтказмоқда.

* * *

ХДП «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгаши ва шаҳарча ҳокимлиги, Тошкент геология техникуми негизида Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган, 17 та ўқув юртлари талабалари орасида миллий кураш бўйича мусобақа ташкил этди.

«Фирдавс» гуруҳи ва «Қалдирғоч» талабалар театр студия санъаткорларининг мусобақалар сўнггидаги чиқишлари йиғилганларни хушнуд этди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ИЖОДНИНГ МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛЛАРИ

Ёшлар нималар билан машғул? Улар бугун давлатимиз яратиб бераётган имкониятлардан қандай фойдаланишмоқда? Мустақилликни, эркинликни қандай тушунадилар?

Худди шу каби саволларга Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳузуридаги «Истиқбол» ёшлар клуби «Ёш ижодкорлар» гуруҳининг навбатдаги машғулотида жавоб изланди.

Ижод оламида, ижодкорда доим бир тушунча юради. Бу дунёни теран англаш, ўзгаларнинг миллий рақси ҳар бир инсонда назокат, нафосат тушунчаларини мужассам этишини, ўзбек аёлларига хос бўлган андиша, ибо ва ҳаё каби туйғуларни ифодалаши, бу эса томошабинни ҳаётда эзгуликка бошлаши ҳақида фикр юритди.

Суҳбат орасида ёшлар ижодидан шеърлар тингланди. Бундан ташқари Ўзбекистон ёшлар театрининг актёрлари Наталья Филатова ва Наргиза Маматовалар ҳам иштирок этиб, Ўзбекистон ёшлар театри Ўзбекистонда хизмат

дан фарқли ўлароқ ҳаётни олдинроқ кўра билишдир. Бу гал ёшларга ижоднинг машаққатли йўлларини, сир-асрорини, санъатнинг турмушдаги ўрни ҳақида киноактриса Юлдузхон Ҳамидова сўзлаб берди.

Ижоднинг машаққатли йўллари мавзуида «Етти гўзал» ансамблининг раҳбари Дилбар Юнусова санъатнинг, жумладан, рақснинг уйғунлигини, ҳар бир ҳаракатдаги маъноларни ҳамда ўзбек миллий санъатининг дунё саҳнасига кўтарилаётганлигини айтиб ўтди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулнорахон Низомова ўзбек халқининг миллий раққосалари ва ҳаётдаги ўрнини, ўзбек миллий раққосаларининг ҳозирги ҳолатини, ривожланиш истиқболларини ҳаётий мисоллар асосида ёритиб берди.

Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгашининг котиби Р. Ҳамроқулов ва Пайариқ туман ҳокими Ш.Остонов иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП Пайариқ туман партия кенгашининг навбатдаги пленумида мазкур ташкилотнинг Ўзбекистон ХДП МК III пленуми қарорларидан келиб чиқадиган, вазифалари муҳокама этилди. Шунингдек, пленумда ташкилий масала кўрилди. Норжигит Жуламов Ўзбекистон ХДП Пайариқ туман кенгаши биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгашининг котиби Р. Ҳамроқулов ва Пайариқ туман ҳокими Ш.Остонов иштирок этдилар.

Партия Қўшкўпир туман кенгаши «Ўртаён» қишлоғида уруш ва меҳнат фахрийларининг учрашувини ташкил этди. Муҳтарам отахон ва онахонларга эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, мазкур туман партия кенгаши «Диний ақидапарастликка қарши курашда маҳалла ва жамоат ташкилотларнинг ҳамкорлиги» мавзуида, туманнинг 12 та маҳалласида йиғилишлар ўтказди.

ХДП Хонқа туман кенгаши, туман хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда, «Она ва бола» Давлат дастури доирасида, «Она ва бола — гул билан лола» мавзуида, Беруний номли 41-сон мактаб негизида туман ўқитувчиларининг кўрик-танловини уюштирди.

ХДП Шароф Рашидов туман кенгаши, «Устоз ва шогирд» Давлат дастурининг бажарилишига яқиндан кўмаклашиб, туман ёшларига касб-ҳунар ўргатиш, улар орасида ҳунармандчиликни ривожлантириш ниятида, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Тадбиркорлар уюшмаси туман бўлимлари билан ҳамкорликда, кўпгина тадбирларни амалга оширди. Жумладан, юздан ортиқ ёшларга тумандаги партия фаоллари — Д. Қўшбоқова, О. Холтаева, Н. Шербўтаева, Ш. Маматов тикувчилик, каштачилик, зардўзлик, гилам тўқиш, дурадгорлик бўйича ҳунар ўргатмоқдалар. Партия туман кенгаши, мунтазам равишда ҳунармандчилик бўйича кўрик-танловлар ўтказмоқда.

ХДП «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгаши ва шаҳарча ҳокимлиги, Тошкент геология техникуми негизида Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган, 17 та ўқув юртлари талабалари орасида миллий кураш бўйича мусобақа ташкил этди.

«Фирдавс» гуруҳи ва «Қалдирғоч» талабалар театр студия санъаткорларининг мусобақалар сўнггидаги чиқишлари йиғилганларни хушнуд этди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

КИТОБ — СОДИҚ ДЎСТ

БАДИИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОС ТАЛҚИНИ

Биз ажойиб халқмиз. Доно ва зукколигимизга гап йўқ. Зеро, оддий бир сўз ёки биргина ибораларимиз ҳам олам-олам маънони ўзида ташийди, англатади. Халқимизда бир гап бор: «Отингни сот, молингни сот, рўшнолик ол». Ёинки кексалар дуога қўл очганда оддийгина қилиб: «Тансиҳатлик — хотиржамлик бўлсин!», дейди. Ана шундай дуолар айтилганда фарзанд отадан: «Нега ҳамиша бир хил шу дуони ўқийсиз, маъноси нима?» деб сўрабди. Ота ўз фарзандини қўшни ҳовлига етаклабди, ҳовлида бир қафасда бўри — ногирон. Қўрада эса қўй — соғлом. Ҳар иккаласи ҳам бирдек емишга ҳам қарамайди. Боиси, бўри — бетоб, тани носоғ, қаршисида турган семиз қўйга ҳам қарагиси келмайди. Қўй эса хотиржам эмас, қаршисида бўри турибди. Фарзанд бу ҳолатни кўриб, тансиҳатлик, хотиржамлик нима-ю, рўшнолик нима, маъносини англаган экан. Қиссадан ҳисса, қарийб бир юз ўттиз йил халқимиз ана шу рўшноликдан бебаҳра яшади. Мустабид тузум нафақат моддий бойликларимиз, еру сувимизни, балки ана шу хотиржамлик, рўшнолик деган миллий қадриятларимизни ҳам тортиб олди. Тортиб олдигина эмас, шунга интилган, шу йўлда курашган миллатнинг асл фарзандларини қатағон этди, танасидан, азиз бошидан жудо этди. М. Беҳбудий, Мунаввар Қори, Фитрат, А. Қодирий, Чўлпон сингари алломаи замонлар шу куйга солинди.

Яқинда «Академия» нашриёти таниқли адабиётшунос олим Аҳмад Алиевнинг «Маънавият, қадрият ва бадиият» («Ватан фидойилари») номли китобини чоп этди. Унга академик И. Султон сўзбоши ёзган. Бадиият, қадрият ва маънавият ҳақидаги ушбу китобнинг илмий-амалий ва тарбиявий қиммати катта эканлиги ҳақида шубҳа бўлиши мумкин эмас. Нега деганда муаллиф ўзининг кўп йиллик самарали ижодий меҳнати ва бу борада орттирган бой тажрибалари заминида фикр юритганлигидир. Қолаверса, мавжуд адабий-бадиий ва маънавий меросга истиқлол мафкураси талабларидан келиб чиқиб, янгича баҳолаши ҳамдир. Академик И.Султон қайд этганидек, Аҳмад Алиев ўша коммунистик мафкура давридаёқ мавжуд бой адабий меросимизга илк бор ижодий ва ижобий йўсинда ёндашганлардан бири, қолаверса, бу борада изчил, узлуксиз қалам тебратиб келади.

Гарчи китоб кириш, хулосадан ташқари катта-катта икки бобдан иборат бўлса ҳам ундаги масала ва муаммолар ечими ниҳоятда кенг, ранг-баранг ва ҳаётийлиги билан диққатни тортади.

Биринчи боб «Фидойилик» деб номланган бўлиб, унда асосан маънавият, мафкура, маърифат каби атамаларнинг туб моҳияти, маъно-мазмуни ҳақида баҳс юритилади. Баҳслар қуруқ гапдан иборат бўлмай, ҳар бир фикр ҳаётий мисоллар билан мустаҳкамланади. Хусусан, маънавиятнинг туб моҳияти, миллат ва маънавият масаласи, онг нима-ю, англаш нима, маънавий ҳуқуқ нима, ватанпарварлик деганда нимани англаш даркор, хотира ва қадрлашнинг моҳияти, зиёратгоҳларнинг муқаддаслиги, шаҳидлар руҳи, соғлом авлод тушунчаси ва унинг илмий-амалий, тарбиявий қиммати, тарихнинг тарбиявий моҳиятига доир ўнлаб долзарб муаммоларни назарий-илмий, ҳам амалий жиҳатдан ҳал этиш сари интилиш сезилади. Айниқса, элга, юртга фидойилик ҳозирги даврнинг — истиқлол даврининг энг муҳим ва ўта долзарб масалаларидан бири сифатида қаралади. Чиндан ҳам ўз элюртига фидойи бўлган мамлакатдагина тинчлик-хотиржамлик, аҳиллик ва бирдамлик, қолаверса, фаровонлик устувор бўлади. Бу истиқлол ғояси ва мафкураси олдида турган энг муҳим ва кундалик вазифаларнинг ўзаги ҳамдир.

Китобнинг иккинчи боби «Истиқлол ва миллий қадриятларимиз — бугун» деб номланган бўлиб, унда асосан 20-30-йилларда қатағон этилган буюк аллома-адиблар ҳақида фикр юритилади. Бу боб ўз мазмун-моҳиятига кўра, ўзаро икки бобчадан таркиб топган. Бобнинг бош қисмида Абдулла Қодирий — Жўлқунбой, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон, Машриқ Юнус ўғли Элбек, Ғози Юнус, Маҳмуд Ҳодиев — Боту каби забардаст адибларнинг ижодий мероси ва аянчли тақдирига оид янгича қарашлар, хулосалар ўртага ташланади.

Энг муҳими адибларнинг мавжуд адабий-бадиий, илмий-маданий мероси истиқлол ғояси ва мафкураси доирасида қайта кўриб чиқилади. Айниқса, бу ўринда талқин этилган Элбек, Ғози Юнус ва Боту ҳақидаги фикрлар китобхон учун анча янги, бойитилган хулосалари билан ҳам аҳамиятли.

Мазкур бобнинг иккинчи қисмида ХХ асрнинг буюк алломалари, маълум маънода замондош устозлар Ҳабиб Абдуллаев, Яҳё Ғуломов, Ҳадича Сулаймонова, Саъди Сирожиддинов, Иброҳим Мўминов, Отабой Эшонов, Ойбек ва Иззат Султон каби мўътабар алломалар ҳақида илиқ хотиралар, тарбиявий ва ибратомуз мулоҳазалар ўртага ташланади. Ва ниҳоят, сўнгги сўз қисмида Шахс, Ватан ва жамият ҳақида баҳс юритилади.

Айтганча, ана шундай катта ва улуғ бир савобли ишда баъзи нуқсонлар, баҳсли ўринлар ҳам кўзга ташланади. Хусусан, маънавият, маънавий ҳуқуқ каби тушунчалар таърифида ноаниқлик сезилади. Шунингдек, муаммолар кўп бўлганлигидан баъзи ўринларда, хусусан, қишлоқ хўжалиги, бошқарув соҳаси, иқтисодга оид қарашларда ноаниқлик кўринади. Баъзан фактлар кўплигидан фикрлар сояда қолган ўринлар ҳам учрайди.

Энг муҳими бу эмас. Муҳими, бутун бир даврнинг маънавий-бадиий ва қадриятига оид тарихи холис ва тўғри талқин топганлигидир. Китоб, сўзсиз бизнинг, хусусан, ёшларимизнинг маънавий-маърифий камолотига хизмат этади, дарсликқўлланма сифатида хизмат қилади, десак хато бўлмас.

■ **Собир МИРВАЛИЕВ, филология фанлари доктори, профессор**

Чироқчи туманидаги 104-ўрта мактабда Аннарўз қишлоғи меҳнаткашларининг 600 нафарга яқин фарзандлари таълим-тарбия олишади.

— Ёшларнинг етук ва маънавиятли инсон бўлиб етишиши учун авваламбор оилада, боғчада қай даражада тарбияланганлиги, мактабда қай йўсинда таълим олганлиги катта аҳамият касб этади, — деди қарийб қирқ йил умрини шарафли ва масъулиятли ишга бахш этган, маънавий-маърифий ишлар бўйича мактаб директори ўринбосари Холиёр Ҳўжамуродов.

Холиёр ака мактабда маънавий ишларнинг кўнгилдагидек олиб борилишида бош-қош. У ўз ҳисобидан 30 минг сўм ажратиб, «Маънавият ва маърифат» хонасини бугунги замон талабларига мос қилиб жиҳозлади.

Ҳа, озгина фидойилик билан кўп нарсаларга эришса бўлади. Зеро, яхши ниятлар билан қилинган бугунги ҳар бир ишимиз келажакда албатта ўз мевасини беради. Дарвоқе, фидойи мураббий яқинда «Вилоят халқ таълими фидойиси» деб эътироф этилди.

Суратда:
Х. Ҳўжамуродов ўқувчилар билан машғулот ўтказаётган пайт.

■ **Абдурасул ПАРДА олган сурат**

ТАЪЛИМ ВА ИСЛОҲОТ

ЭРТАМИЗНИНГ ИШОНЧ ПОЙДЕВОРИ

ХХ асрнинг сўнгги ўн йиллигида ва XXI асрнинг дастлабки йилиданоқ мамлакатимизда миллий кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор берилмоқдаки, бу ҳолни Ватанимиз равнақи, тараққиётимиз, келажагимиз фаровонлиги билан боғлашимиз кифоя. Чунки келажак, истиқболимиз ҳар томонлама тафаккури кенг тортган кадрларимизга боғлиқ. Янги жамиятнинг янги кадрлари ўз режа ва тамойилларига эга бўлиши керак. Кадрлар ҳар қандай ривожланишнинг, янги давлатни барпо қилишнинг ҳал қилувчи омили. Бу борада, яъни 1997 йил Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури қабул қилинганда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг бунёд бўлишида икки босқич белгиланиб олинган эди. Ва, дастлабки босқич 2000-2001 йилда якунланиши кўзда тутилган эди.

Хўш, бу масала қандай бажарилди? Мамлакатимизда 1998-2000 йиллар мобайнида 160 минг ўқувчига мўлжалланган 47 та академик лицей ва 260 та касб-ҳунар коллежи қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу мақсадлар учун 135 миллиард сўм маблағ сарфланди. Кейинги икки йилда лицей ва коллежларни ўқув-лаборатория қуроллари, таълимнинг техник воситалари, машина ва механизмлар билан жиҳозлаш учун республика бюджетидан 6 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилди. Умуман олганда ўрта махсус ўқув юртларига зарур бўлган жиҳозларни харид қилиш учун жалб қилинган чет эл инвестицияларининг миқдори 150 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Дастурни ҳаётга муваффақиятли жорий этиш учун керакли шарт-шароитлар мавжуд. Жаҳон фани, таълими тараққиётидан келиб чиқиб, ўзбекона ёндашув, яъни илғор педагогик технологияни қўллашда асосий эътиборни сифат масаласига қаратиш зарур. Чунки бизда бу борада моддий база имкониятлари етарли.

Моддий база ва сифат масаласи дейилганда мен Юртбошимизнинг бундан тўққиз йил олдин — 1992 йил 8 декабрда «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» мавзуида сўзлаган маърузасидаги қуйидаги гапларни эслаб жавоб топаман. Ўша тарихий нуқтда таълим тизимига тамал тоши қўйилган эди: «Мавжуд моддий, молиявий ва сармоя имкониятларини ақл-фаросат билан тасарруф этишимиз шарт... Ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларнинг илдизи халқимизнинг маънавий уйғонишидадир...»

Тараққиёт ҳамиша такомиллашган сайин ўз жамолини, камолини кашф қилаверади. Юртбошимиз академик лицей ва коллежлар истиқболини қуйидаги йўналишларда ифодалаб беради:

— маблағлар ва ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминлашнинг ҳозирги ҳолатини ҳисобга олиб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ишга туширилиш муддати билан боғлиқ кўрсаткичларга муайян ўзгаришлар киритиш зарурати пайдо бўлди;

— айниқса, қишлоқ жойларидаги умумтаълим мактабларининг бўшаган ва фойдаланилмаётган бошқа биноларни реконструкция қилиш, улар асосида янги коллежлар барпо этиш ишларига алоҳида эътибор бериш лозим;

— янги дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини яратиш, экспертизадан ўтказиш ва 2005 йилгача лицей ҳамда коллежларни улар билан тўла таъминлаш мақсадида аниқ дастур ишлаб чиқиш зарур;

— коллежлардаги ўқитувчилар таркибининг савияси ва малакасини ошириш масаласи жиддий эътибор беришни талаб қилади. Энг янги, замонавий ўқув воситалари билан таъминланган коллежларда эскидан қолган ўқитиш услубларининг давом этишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Демак, таълим-тарбия ишларини юксак малакали фидойи ўқитувчи ва мураббийлар олиб бориши зарурлиги назарда тутилмоқда. Мен таълимнинг олий ва ўрта бўғинидаги баъзи масалалар бирмунча ўз ечимини топиши зарурлигини қайд қилмоқчиман. Ютуқлар ўзимизнинг, муҳими таълимда моддий база мустаҳкам бўлиши керак. Аввал иқтисод, кейин сиёсат деган нақл бор. Сўнгги 4-5 йилда таълим ва махсус ўқув юртларида жиддий ўзгаришлар юз берди. Талабаликка қабулнинг шартнома асоси жорий қилинди. Бу эса ҳар бир ўқув юртининг ўз ҳамёнига эга бўлиши ва иқтисодий-ижтимоий ривожланишини таъминлашни тақозо этди. Биноларни таъмирлаш ва жиҳозлаш, янги технология воситаларини харид қилиш ҳамда таълим жараёнига татбиқ қилишда моддий мустақиллик қўл келади. Шу билан бирга таълим тизимидаги жаҳон андозаси намуналари ҳам бизнинг миллий таълим-тарбия воситаларига кириб келди.

Таълим-тарбия соҳасида етук, миллий кадрлар етиштириш ва тарбиялашда Давлат таълим стандартининг қабул қилиниши ҳам айни муддао. ДТСнинг жорий қилиниши миллий кадрлар тайёрлашнинг асосий негизини ташкил қилади. Миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг асосий тамойиллари ҳамда тушунчалари ҳар бир фан орқали талаба ва ўқувчилар онги шуурига сингдирилади, фаннинг моҳияти очиб берилади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз келажаги учун қайғуриш нечоғлик аҳамиятга эга эканлигини ҳар биримиз ҳис қилишимиз керак. Бунда баъзи бир фикрларни айтмоқчиман:

Биринчидан, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмалари яратиш ҳозирги талаб даражасида, деб бўлмайди. Миллий талабларимиздан келиб чиқиб, ўнлаб, юзлаб ҳунарлар эгаллашимиз ва жаҳонда ўзлигимизни намойиш этиш зарурати кундан-кунга ошиб бормоқда. Чунончи, дўппи тикиш, пичоқчилик, заргарлик, кулолчилик, зардўзлик, миллий китобат ишлари ва ҳоказолар ҳақида дарслик ва ўқув қўлланмалари етарли бўлиши керак.

Иккинчидан, академик лицейлар ва коллежлар қурилиши ҳамда таъмир қилинишида нафис миллий меъморчилигимизга кўпроқ ёндашишимиз лозим.

Миллий кадрлар тайёрлаш, уларни замон талаблари даражасига кўтариш бугуннинг энг муҳим масалаларидан биридир. Ёш кадрлар келажагимиз, эртамизнинг асосини ташкил қилади.

■ **Карим НОРМАТОВ, профессор**



СУВ БАЛОСИ

Енисей дарёси тошиб, Тува пойтахти Қизил шаҳри ва бир қанча қишлоқларни сув босди. Ўтган якшанбадан буён бу ҳудудлардан мингдан ортиқ киши хавфсиз жойга кўчирилди. Қутқарув ишларида етмишдан ортиқ техника воситаси, тегишли хизматларнинг юздан ортиқ ходими иштирок этмоқда.

***

Лена дарёси тошиши оқибатида эса Ленск шаҳри ва Саха Республикасининг Ленск улусини сув босган вақтда беш киши ҳалок бўлди, икки одам бедарак йўқолди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси улус маъмурияти раҳбари Виктор Самойловнинг сўзларига таяниб шундай хабар тарқатди.

СУИҚАСД ИШТИРОКЧИЛАРИ ҲИБСДА

Тожикистон ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ҳабиб Сангинов 11 апрелда Душанбе шаҳрида содир этилган суиқасд натижасида ўлдирилган эди. Тергов-қидирув ишлари натижасида қотилликни содир этган тўрт жиноятчи ҳибсга олинди. Суиқасднинг бешинчи иштирокчисининг шахси ҳам аниқланиб, айни пайтда уни тутиш чоралари кўрилмоқда.

ТЕРРОРЧИЛИКНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

Колумбия пойтахти Боготада йирик террорчилик ҳаракатининг олди олинди. Сапёрлар Колумбия компартиясининг «Вос» газетаси биноси яқинида турган машинага жойлаштирилган «ер-ҳаво» туркумидаги 250 килограммлик ракетани зарарсизлантирдилар. Террорчилар ракетани портлатган тақдирда у кўп одамнинг қурбон бўлиши ва катта вайронагарчиликка олиб келарди.

ҚИДИРУВ ДАВОМ ЭТАДИ

Канада ҳарбий самолётлари Шимолий қутбни якка ҳолда кесиб ўтишга уриниш чоғида ғойиб бўлган япониялик сайёҳ Ипоити Конони қидиришни давом эттирмоқда. Шимолий қутбдан Японияга ва бўлган йўлни чанғи, чана ва қайиқда босиб ўтишни мўлжаллаган сайёҳ ўтган шанба куни алоқага чиқиши зарур эди. Қидирув гуруҳи чана излари, сайёҳга тегишли баъзи буюмларни топишга эришди. Бироқ унинг ўзидан дарак бўлмаяпти.

ЖИНОЯТЧИЛИК КАМАЙМОҚДА

Германияда жиноятчилик тобора камаймоқда. Мамлакат ички ишлар вазири Отто Шилининг ҳисоботида таъкидланишича, 2000 йилда Германияда жиноятчилик аввалги йилдагига нисбатан 0,6 фоиз қисқарган. Ўтган йили мамлакатда 6,26 миллионта қонун бузиш ҳолати рўйхатга олинган. Жиноятни фош қилиш даражаси эса 52,8 фоизни ташкил этган.

«ҚАЛАМКАШ»

Халқимиз ўз ҳақ-ҳуқуқини англаб етди. Дунёда ўзбек деган миллатнинг нафақат борлиги, балки жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга эканлиги ҳам эътироф этилмоқда. Шу боис янги шаклланган давлатда оммавий ахборот воситаларининг ҳам ўрни беқиёсдир.

Оммавий ахборот воситаларининг мамлакатимизда тўртинчи ҳокимият деб тан олиниши ҳам бунинг ёрқин далилидир. Юртбошимиз журналистларга таъриф бериб: «Журналист деганда, халқимиз кўз ўнгида элу юрт қувонч ва ташвишларига шерик, доимо янгиликлар изидан юрувчи, беҳаловат инсон намоён бўлади. Шу боис, одамлар матбуот, радио ва телевидениега катта умид билан қарайдилар, кўнгилларини очадилар, уларни ҳаётда энг зарур, энг содиқ дўст-ҳамроҳ сифатида қадрлайдилар», деганларида минг бор ҳақ эдилар.

Таҳририятимиз қошида ташкил қилинган «Қаламкаш» ёш журналистлар ўқуви гуруҳи ҳам бу соҳага берилаётган эътибор мевасидир. Янги шаклланган ўқув курсимизнинг асосий мақсади ёшларни амалий машғулотлар орқали касбга йўналтириш, уларга имкон қадар соҳа сирларини ўргатишдан иборат.

Қуйида таҳририят қошида очилган «Қаламкаш» гуруҳи тингловчиларининг ижодий намуналари билан танишасиз.

МУНОСАБАТ

ШАМЧИРОҚ

Бугунги ёшларнинг китобга бўлган муносабати қандай эканлигини билиш мақсадида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонасининг ўсмирлар бўлими ходими Маъмура Юсуповага мурожаат қилдик.

— Ўсмирлар бўлимида 14 ёшдан 20 ёшгача бўлган китобхонларга мўлжалланган асарлар мавжуд. Бўлимимиздаги фондда 41 минг китоб бор. Айни вақтда кутубхонамиз айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Хоналаримиз етишмаяпти. Китоблар тирбанд қилиб жойлаштирилган. Хоналарнинг қулай эмаслиги китоб ўқиётган ўқувчига салбий таъсир кўрсатади, — дейди она.

Кутубхонада ўқувчиларни ўзига тортадиган турли кўринишдаги кўргазмалар ташкил этилган. Лекин, негадир ўқув залида 7-8 кишигина мутолаа билан машғул. Деярли барчаси қуйи босқич талабалари. Ораларида негадир ўқувчилар кам...

Ёшларнинг келажаги, кейинги ҳаёт йўллари ҳаёт шамчироғи бўлмиш китобга ҳам боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз лозим, назаримда.

Зеро, китоб — ақл чироғи, кутубхона эса шу чироқ кошонасидир.

■ Нигора ЎРОЛОВА

ТАРИХ — ТИЛСИМОТ

ЧИНОЗДА ЕР ОСТИ ЙЎЛИ ТОПИЛДИ

Бу олам сирларга тўла. Одамзот умри давомида унинг сирларидан воқиф бўлишга интилиб яшайди. Баъзан эса нимадир сабаб бўлади-ю, ҳаётнинг ўзи бу синоатларни ошкор айлайди. Тошкент вилоятининг Чиноз деҳқон бозори ҳудудидан VI-VIII асрларга оид ер ости йўли топилганлиги ҳақидаги шов-шувлар, ғароиб топилма ҳақидаги маълумотлардан сизларни воқиф қилиш мақсадида «Чиноз бозори» ҳиссадорлик жамиятида бўлдик.

— Чиноз мамлакатимизнинг энг қадимий масканларидан бири, — дейди жамият раиси муовини О.Шаринов. — Ер ости йўлининг топилишига келсак, бозорнинг марказий ҳудудида беш йилдан буён турли чуқурларнинг пайдо бўлаётганлиги бизни доим ўйлантирарди. Ушбу чуқурликларни кўмиб келардик. Бозорга маҳсулот олиб келган юк машиналаридан бирининг ғилдираги чуқурга тушиб кетди. Тешик каттароқ очилиб қолган экан. Ғилдиракни тешикдан чиқариб олишди. Белкурак билан чуқурликни кўммоқчи бўлдик, лекин кўма олмадик. Арк ҳолида ишланган эшик кўринди. 4 метрларча ичкарига кириб бордик. Фонарни ёқиб атрофни кузатсак ер ости йўлига ўхшади. Дарҳол мутасадди ташкилотларга хабар бердик. Тошкентдан археолог Сервер Аширов етиб келди...

Дарвоқе, анча шов-шув ва миш-мишларга сабаб бўлган бу топилма нима ўзи?! Ана шу савол билан археолог Сервер Ашировга мурожаат қилдик.

— Бу ер ости йўли тахминан VI-VIII асрларга тегишли, — деди у. — Тарихдан маълумки, ҳозирги Чиноз ана шу даврларда «Чинончкент» деб аталган. «Чинончкент» Буюк ипак йўли ўтган энг зарур ва тарихий жойлардан бири бўлган. Бу ерда катта карвонсарой ҳам мавжуд бўлгани боис, савдогарлар ҳам Чинончкентда тўхтаб ўтганлар. 1934 йилда Г. Григорьев томонидан олиб борилган қидирув ишлари, 1970-1971 йилларда Республика илмий археологик институти ходимларининг илмий изланишлари натижасида ҳозирги бозор ҳудудида Чинончкент шаҳри маркази жойлашгани аниқланган. Бозор жойлашган қисмида эса Шаҳристон бўлган экан. Қадимги шаҳар маркази салкам 50 гектар майдонни эгаллаган. 1961-1964 йилларда ҳам бу ерлардан ўша VI-VIII асрга оид кўзалар, сопол буюмлар, кумуш тангалар, аёллар тақинчоқлари топилган. Бироқ, бу ер ости йўлининг тарихий харитаси йўқ бўлиб кетган. Бу ерда археологик тадқиқотлар олиб бориш зарур. Бунинг учун эса ҳомий ташкилот керак.

Археолог Сервер Ашировнинг гапларини эшитиб ўйланиб қолдим. Демак, ватан тарихининг очилмаган саҳифаларини очиш бизларнинг бурчимиз. Назаримда, ер ости йўлининг одамлар гавжум ҳудудда топилишида ҳам бир ҳикмат бордек. Балки, аждодларимиз тарихни ўрганишга, уни унутиб юбормасликка бизни ундаётгандир.

■ Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ ҚОШИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

«ҚАЛАМКАШ»

ёш журналистлар ўқув курсига суҳбат асосида тингловчилар қабул қилинади.
Ўқиш муддати — бир йил. Маъруза ва амалий машғулотларни журналистика соҳаси бўйича етакчи олимлар ва таниқли журналистлар олиб боришади.

БИТИРУВЧИЛАРГА ҲУЖЖАТ БЕРИЛАДИ.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 3-қават, 356-хона.
«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти.
Тел.: 136-55-05.

САБОҚ

ЙИЛЛАР, ТАҚДИРЛАР

ДУТОРИМ ДУНЁДА ДЎСТИМ, ҲАМДАМИМ

«Қаламкаш» гуруҳининг навбатдаги дарс машғулотларидан бирида журналист, тарих фанлари номзоди, доцент Баҳром Рихсиев бир қизиқ воқеани айтиб бердилар. Фарғоналик Абдали ҳофиз урушга дутор билан бориб, дутор билан қайтиб келган экан. Дуторга ҳеч нарса қилмаган, аммо эгаси бир умр унута олмайдиган жароҳат олган экан. У кишининг овозлари ниҳоятда ширали эди. Урушга дутор билан борганларини қикоя қилиб бергач, ўзлари тўқиган ашулани айтиб берган эдилар.

Дуторим дунёда дўстим, ҳамдамим,
Дилимдаги ҳар сиримга малҳамим.
Сени чалсам йўқ бўлади аламим,
Ёлғизда ҳамроҳим бўлган дуторим.

Устознинг ҳикояларидан ниҳоятда таъсирландик. Эшитганимиз — ибратли воқеа бизни йўлга отлантирди. Яйпанга бориб туман газетаси муҳаррири, журналист Саҳобиддин Холматов ёрдамида Абдали ота Етмишовлар оиласида бўлдик.

Абдали ота 1977 йилда бандаликни бажо келтирган эканлар. Уч ўғиллари бор экан. Улар билан суҳбатимиз қизиқарли бўлди. Катта ўғиллари Жакбарали ота изидан бориб, санъатга меҳр қўйган, кўп йиллардан бери Яйпан шаҳар «Орзу» халқ ансамблида ишлайди. Ўртанчаси — Аббосали ўқитувчилик касбини эъзозлаб келмоқда. Мусиқадан дарс бериб, қўшиқ ҳам айтади. Султонали эса муҳандис бўлиб ишлайди, бўш вақтларида акаларига жўр бўлиб туради.

Суҳбатимиз якунида Жакбарали тўрда осиғлиқ турган дуторни кўрсатиб:

— Раҳматли отамиздан бизга ёдгорлик, — деб қўйди.

Сўнг бизнинг илтимосимизга кўра, кўп йиллардан буён эъзозлаб келинган дуторни авайлаб қўлига олиб, аввал Ватан ҳақидаги, сўнг «Дуторим» қўшиғини куйлади. Қўшиқ ва куй сеҳрига маҳлиё бўлиб қолган эдик. Гўё ҳофиз отахоннинг руҳи ҳам шодланиб, моҳир ижрочини қўллаётгандай эди.

■ Муроджон МИРЗАЛИЕВ, Қобилжон КАРИМОВ

БУНЁДКОРЛИК

МЕТРОНИНГ ЯНГИ БЕКАТЛАРИ

Маълумки, узоқни яқин, оғирни енгил қилишда, вақтдан ҳар жиҳатдан ютишда метронинг баҳоси йўқ. Айниқса, қиш ёки ёз чилласида ер ости саройларига тушган одам ўзини ажиб оламда юргандек ҳис этади. Боиси, Тошкент метрополитенининг ҳар бир бекатида мўътадил об-ҳаво бўлиши таъминланган. Биламизки, Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган Тошкент метроси 1977 йили фойдаланишга топширилган. Ўшанда «Чилонзор» йўналиши бўйича дастлабки метро-поездлари қатнови йўлга қўйилган эди. 1985 йили метронинг иккинчи — «Ўзбекистон» йўналишида ҳаракат бошланди. Шу кунларда эса метронинг учинчи йўналишини фойдаланишга топшириш ва бу хайрли тадбирни Мустақилликнинг ўн йиллигига туҳфа қилиш тадбирлари кўрилмоқда. Хусусан, метросозлар Истиқлол байрами арафасида «Мингўрик» — «Бодомзор» йўналиши бўйича бекатларни фойдаланишга топширишмоқчи. Умуман, Тошкент метросининг келажаги порлоқ. Метросозлар келгусида Хитой бунёдкорлари билан ҳамкорликда «Собир Раҳимов» — «Отчопар» — «Сирғали» йўналиши бўйича катта ишларни амалга ошириш, «Юнусобод» йўналишида қолган учта бекатни ишга тушириш учун изчил ҳаракат қилишмоқда.

■ Қаҳрамон НАЗАРМАТОВ, Ҳасан ПОЙДОЕВ

МАЪРИФАТ — УЧИНЧИ КЎЗ

КЕЛАЖАК ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Қўшработ туманида 1999 йил қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ишга туширилгани айни муддао бўлган эди. Энди қишлоқ ёшлари пойтахт ёки вилоят марказига бормай, уйларига яқин ерда билим олиб, ҳунарлик бўлмоқда.

Коллеж замонавий услубда қурилган, спорт зали, 75 ўринли ётоқхонаси бор, яхши жиҳозланган. 4,2 гектарлик ерда жойлашган бу билим даргоҳининг атрофи дарахтзор, 3000 туп терак, 200 дан ортиқ мевали дарахтлар, хушбўй гуллар бу ерга кирган кишиларнинг баҳри дилини очади.

Қимирласанг тишлайсан, деган мақолни бу ерда нафақат яхши билишади, балки ҳаётда ҳам синаб кўришмоқда. Коллеж ҳисобидаги 20 гектарлик томорқада буғдой, нўхат, қовунтарвуз ва бошқа экинлар экилиб, фойда коллеж эҳтиёжи учун сарфланмоқда.

Ўқув йўналиши беш турда олиб борилади. Билим даргоҳининг раҳбари, куюнчак инсон Умрзоқ Пўлатовни Қўшработ туманида танимайдиган одам кам. У меҳнат фахрийси, маориф аълочиси, туман маорифчиларининг сардоридир. Ҳамма Умрзоқ акани «устоз» деб улуғлайди.

Ёшларимиз билимга чанқоқ. Демак, келажак ишончли қўлларда.

■ Фарҳод НОДИРОВ

АЖОЙИБОТХОНА

ТАБИАТ МЎЪЖИЗАСИ

Илгари кексалар ҳали ҳаммага сиғиб, одат тусига кирмаган музей сўзини айтолмай, ажойиботхонага бориб келдим, деб юришарди. Умуман, Тошкентдаги Табиат музейига кўпчилик бошқача қизиқиш ва назар билан қарарди. Балки ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёси ушиг киши билмас томоплари томошабинларни ўзига ром этган бўлса ажабмас. Нима учундир кейинги пайтларда бундай музейларни зиёрат қилиш, болаларни томошага олиб бориш сусаймоқда. Балки, кўпчилик телевизорларда намойиш этилаётган ҳайвонлар ва ўсимлик дунёси ҳақидаги фильмлардан қаноатланаётгандир? Билмадик, нима бўлганда ҳам табиат музейига қўйилган турли экспонатлар ва тасвирлар тўлалигича китоб ёки фильмларга кўчмаган бўлса керак. Ўйлаймизки, музейга борган одам, айниқса, ёшлар юртимиз табиати, ҳайвонлари ва ўсимлик дунёси билан яқиндан танишишга имкон топади.

— Табиат музейи мамлакатимиздаги қадимий маданият гўшаларидан саналади, — дейди музей директори Эргаш Исломов. — Тўғри, дастлабки вақтларда музейга қўйилган буюмлар саноқли эди. Ҳозир музейда қарийб 350 мингдан ортиқ ҳашорат тури сақланади. Бу ҳашоратларнинг айримлари поёб бўлгани учун ҳам хорижлик олимлар қизиқиши катта. Ўрта Осиё 4 минтақадан ташкил топгани учун музейда турли шароитга мослашган жонивору ўсимликлардан намуналар қўйилган. Бир пайтлар ҳозир обод бўлиб кетган пойтахтнинг Қора-қамиш даҳаси атрофида Туран йўлбарслари кезиб юргани кўпчилик билмаса керак. Музейга келган томошабин эса йўқ бўлиб кетган бундай йўлбарслар қандай бўлганлигини билиш, кўриш имкониятига эга бўлади. Сўзсиз, музейда сақланаётган барча жонзотлар жонсизлантирилган ёки мумлашган ҳолида намойиш этилади. Айтайлик, Неандертал бурчагида энг қадимий одамлар ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин. Бундан ташқари бурама шохли тоғ эчкилари ҳам худди тирикдек кўзга ташланади. Ноёб ҳайвонлар китобига киритилган қоплон, сиртлон каби жонивор лар ҳам кўпчилик эътиборини тортади. Бир сўз билан айтганда, музейимизни янада бойитиш, ҳаммабоп маскани айлантириш йўлида саъй-ҳаракат қилмоқдамиз.

■ Камолахон ЗУПАРОВА

СИР

(ҲИКОЯ)

Онаси унинг бошига борганда кўзларини базўр очиб, ҳозир турмоқчи эканини ишора қилди. Одатига кўра Одил нонушта қилди-ю, қўйларни тоққа қараб ҳайдади. Ўз йўлини билган жонивор лар адирга ошиқишади. Баҳорий тонг ёришади. Қуёш нурлари тоғ чўққиларида товланади. Атрофда қушлар чуғур-чуғури. Борлиқ яшил гиламга лолалардан гул солган. Элас-элас димоқни қитиқловчи ёқимли сабо эсади. Одил адирга етганда қўйларга эрк берди. Ўзи эса катта харсангтош устига бориб ўтирди. Қиш оғир келганиданми кўклам эпкини ўзгача ҳузурбахш, ёйилиб ўтлаётган қўйлар атрофида кўзичоқлар сакрашади. Кўп ўтмай кун қизий бошлади. У жонивор ларни ирмоққа ҳайдайди. Сув ичган қўйлар дарахт соясига ўзини олади. Одил ҳам муздек сувдан ичиб юз-қўлларини ювди. Соягa бориб ўтирди. Онаси берган тугунни очди. Қатиқ билан юмшоқ нонни егач, майса устига чўзилди. Тоғ ҳавоси оромбахш, кўзлари уйқуга илинди. Кўп ўтмай тетикланиб уйғонди. Қўйлар соядa ётишар, атроф сокин. Яна ухлади. Ниманидир вишиллашидан уйғониб кетди. Хавотирланиб атрофга назар солди. Жонивор лар негадир безовта. Одил ирмоқ томонни кузатди. Не кўз билан кўрсинки, ўн қадамча нарида катта илон турарди. Қўрқанидан ранги ўчди.

Одил бирон кўнгилсиз воқеа юз бермасайди деб ташвишланди. Илон эса бир зум унга тикилиб турди-да, сув ичди. Яна Одилга қаради. Сўнг судралиб ғойиб бўлди. У анча вақттача ўзига келолмади. Хаёлида вишиллаган илон. Наҳотки шундай баҳайбат илон бизнинг тоғда бўлса, деб ўйларди. Хаёллар билан кун кеч бўлганини ҳам сезмай қолди. Ўйга қайтаркан одамларнинг бултур ҳам тоғда катта илонни кўришгани ҳақидаги гаплари ёдига келди. Илон тутувчилар ҳеч қандай илон тополмай кетишган экан. У ҳозир уйга бораман-у барча кўрганларимни онамга айтаман, деб шошиларди. Уйга киргандан кейин эса ўйлаб қолди. Бордию воқеани оқизмай-томизмай айтсам, онам сўзсиз менинг ирмоққа боришимга рухсат бермаслиги тайин. Негадир, илонни яна кўргиси келарди. Шу мулоҳаза билан онасига айтиш фикридан қайтди.

Эртаси куни ҳам ўша вақтда илон ўрмалаб ирмоқ бўйига келди. Бу гал Одил ўзини анча эркин ҳис этди. Илон танасидаги гулдор нақшни томоша қилди. Илон ҳам Одилга кўп тикилмади. У томонга бир бурилди-ю, кўздан йўқолди. Гўё Одил илонга, жонивор эса унга ўрганиб қолганди. Шу тариқа Одил қўйларни боқиб юраверди. Лекин кўрганларини ҳеч кимга айтмади. Бир куни уйга қайтгач, онаси унга тайинлади.

— Ўғлим, қўйларни ложи бўлса ирмоқ томонга ҳайдамагин, одамлар тоғда бўри ўрмалаб қолибди, дейишяпти. Қўйлар-ку майли-я, ўзингга эҳтиёт бўлгин, дейман-да.

У ўйланди. Илон нима бўлади. Онасига хўп бўлади ишорасини қилди-ю, яна ўз билганидан қолмай қўйларни ўша томонга ҳайдади. Дастлабки кунлари вишиллаб турадиган илон энди беозор жонивор га айланган, бемалол ўрмалайди. Одил илон олдида бўри нима бўпти, яна милтиғим бўлса деган хаёллар билан дадил. Ўрганган жойида тушлик қилди. Ҳаммаёқ жим-жит. Лекин илондан дарак йўқ. Одил безовталаниб атрофини кузата бошлади. Йилт этган нарса кўринмайди. Ўнгирга кўтарилиб, атрофни кузатмоқчи эди, тўхтаб қолди. Йигирма қадамча нарида қулоқлари динг бўри турарди. Кўзларини узмайди. Одилнинг хаёли қочиб, кўз олди қоронғулашди. Онасининг гапини икки қилганига ачинди. Милтиқ эса дарахт тагида қолган. Қимирлашга мажоли йўқдек. Йиртқич ириллай бошлади. Одил оҳиста орқага чекинди. Бўри ҳам у томонга юрди. Унинг бирдан-бир умиди қандай бўлмасин харсангтош устига чиқиб олиш. Мана тошгача бор-йўғи беш қадам, уч қадам... Қадамини тезлатган бўри эса бор куч билан унга ташланди. У ҳаммаси тамом дедию кўзини юмиб олди. Ҳозир ваҳшийнинг ўткир тирноқлари елкасига ботади. Тишлари гарданини эзади. Аммо, ҳа деганда бундай бўлмади. Кўзини очиб қараса бўри қийин аросатда. Ёпирай, деди у ўзича. Бўрининг бўйнидан маҳкам тутган илон унга чирмашиб олганди. Бўри хириллаганча жон талвасасида, кўзлари олайди. Одил шошиб қолди. Кейин милтиғига ошиқди. Халлослаганча етиб келганда бўри жонсиз ётарди. У атрофни кузатди. Илон ғойиб бўлган. Бунақасини кўрмаган ё эшитмагани учун ҳам одамлар гапирганда сесканиб кетадиган совуқ илон наҳотки халоскор бўлса, деган фикр тинчлик бермайди. У чўчибгина бўрининг ёнига келди. Оҳиста туртиб кўрди. Аллақачон ўлиб қолганига ишонч ҳосил қилди. Кеч бўлишини кутмай қўйларни қишлоққа ҳайдади. У биринчи учраган одамгаёқ бўлган воқеани айтиб берди. Кечқурун эса ҳаммасини оқизмай-томизмай онасига сўзлади. Бечора она ваҳимага тушиб ўғлини койий кетди. «Сенга айттгандим-у, ўша ирмоққа бормагин деб. Ҳали ҳам Оллоҳ асрабди. Бирон корҳол бўлса, бу дунёда яшашимдан нима фойда. Сени деб юрибман-у. Бўлди. Энди умуман у томонларга бормайсан. Нима бўлганда ҳам илон-да»...

Одил бўлган воқеа билан онасини лол қолдираман деб ўйловди. Аксига олиб, бир дунё ган эшитди. Энг ёмони ирмоқ тарафга боролмайдиган, илонни кўролмайдиган бўлди. Воқеа эса бутун қишлоққа ёйилди. Икки кун ирмоққа бормади. Учинчи куни эса яна таваккал қилди. Чунки халоскорининг қуёшда жимирлаб ётишини кўргиси келарди. У кун бўйи сув бўйини кезди. Лекин илон келмади. Кечки пайт кайфиятсиз уйга қайтди. Онаси эса негадир мамнун.

— Ўғлим, энди хотиржамман. Қўйларингни истаган ерингда боқавер. Қишлоғимизга илон тутувчилар келиб, ўша сен айтган жойдан катта бир «аждар»ни тутишибди.

Одилнинг ранги ўчди. Наҳотки, ўша илонни тутишган бўлса?! Билдики, йигит киши кўчадаги гапни ҳадеб уйига олиб келиши хосиятсиз экан. Агар кўрганларини сир сақлаганда гўё дўстлашиб қолган илонга зиён етмасмиди...

■ Беҳзод АБДУНАЗАРОВ

XX АСР ДОНИШМАНДЛАРИ

УАЙТХЕД АЛЬФРЕД НОРТ ҲИКМАТЛАРИ

Англиялик файласуф, мантиқшунос, математик Альфред Норт 1861 йилда туғилган. У рамзийлик ва эътиқод мантиқи муаммоларини ишлаб чиққан, математика асосини мантиқий таҳлил этган олимдир.

«Универсал алгебра ҳақида трактат» (1898), «Principia mathematika» (1910-1913 йиллар. Брентано Россел билан ҳамкорликда), «Фан ва замонавий дунё» (1925), «Рамзийлик, унинг таъсири ва моҳияти» (1927), «Тафаккур йўсинлари» (1938) сингари асарлар муаллифи.

Уайтхед Кембрижни битириб, 1910 йилгача ўша ерда ўқитувчилик қилди. Етук олим Брентано Россел ўша йиллари унинг шогирди бўлган. 1910 йилда Уайтхед Лондонга кўчади ва Лондон университетига ректорлик қилади. 1924 йилдан эса АҚШда яшай бошлайди ва пенсияга чиққунча Гарвард университетида дарс беради.

Дарвоқе, 80 ёшида ўзининг сўнгги маърузасини ўқийди. 1947 йилда вафот этади.

Жуда кўпчилигимиз лирикани тушуниб, ҳурматэҳтиром ила суйиб ўқиймиз-у, лекин шоирчасига ҳаётни тушуниш қўлимиздан келмайди.

* * *

Ҳар бир даврнинг бир гуруҳ одамларида ўтмиш ташвишлари устунлик қилади. Яна бир гуруҳида замонавийлик, учинчи гуруҳида эса келажак, қолганларида ҳеч қачон инсоният бошига тушмайдиган вазиятлар муаммолари хусусида қайғуриш ҳукмронлик қилади.

* * *

Ҳиссиётнинг уйғунлашуви шу туйғунинг тўла авжга чиққанини билдиради.

* * *

Одамлар уюшуви ҳаётнинг давомийлиги демакдир.

* * *

Ҳаётимиз энг муваффақиятли чўққига кўтарилади, қачонки вужудимизда соф ҳис-туйғулар ҳукмрон бўлса.

* * *

Инсон заковати табиат кучларидан ожиз, лекин охир-оқибат қуёш ва юлдузлар тизимини ташкил этувчи гравитация кучи билан беллаша олади.

* * *

Тўғри тажриба бенуқсондир. Нимани ўзлаштирган бўлсак, шунга ўрганганмиз. Ақл ва идрокнинг вазифаси — рамзий маъно ва интилишларни, эътиқодни тушуниш ҳамда уларни софлашдир. Одамзот ҳаёти шунга боғлиқ.

* * *

Йўқотишларсиз улуғворликни намойиш этиб бўлмайди.

* * *

Одамзот ўзлигини топмоқ учун эътиқодга мурожаат этади.

* * *

Сўз — бу рамздир.

* * *

Тил — ўзига хос эътиқод намунасидир.

■ **Аз. НАҲГРУДИЙ ва Алимқул СУЛТОН таржимаси**

2001 ЙИЛ — ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ

ШАМОЛДАН — ДА УЧҚУР БЎЛ, БОЛАМ

Бошга тушганни кўз кўради, дейди халкимиз. Дарҳақиқат, болалар ҳам асаб касалликлари билан оғриши мумкинлигини Юнусобод туманидаги шаҳар клиник болалар шифохонасининг асаб касалликлари бўлимига борганимдан кейингина билдим. Лекин нима сабабдан, қандай қилиб бу касаллик болаларни ўз домига тортаяпти? Ҳаётимизга кириб бораётган компьютерларми, фан-техника ривожланиб, ўқув предметларининг мураккаблашиб бораётганданмикан, ёки атмосферанинг бузилиб кетаётгани бола руҳиятига салбий таъсир қилаяптимикан? Ўзимни қийнаган саволларга жавоб топишга ҳаракат қилдим.

Бу шифохона қошида Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг «Болалик даври асаб касалликлари» кафедраси ҳам жойлашган экан. Тиббиёт фанлари номзоди Мактуба Ғуломовани суҳбатга чорладим.

— Мактуба опа, болалар асаб касаллигига учрашига сабаб нима?

— Биласизми, бола дардини билиб олиш осонмас, улар ўзларида кечаётган ўзгаришларни тушунтириб бера олишмайди. Биз электроэнцефалограф, реоэнцефалограф, компьютер орқали ички аъзолар патологиясини аниқлаймиз, шунга қараб муолажаларни олиб борамиз. Балоғат ёши арафасида организмда турли ўзгаришлар юз бериб, болада яширинган ётган касалликлар хуруж қилиб қолиши мумкин. Ўсмирни беасорат шу даврдан ўтказиш ота-оналарнинг, участка врачларининг масалага қай даражада ёндашувига боғлиқ. Биз оилада бўладиган жанжаллар, атрофимиздаги муносабатлар болага қаттиқ таъсир қилишини баъзан унутиб қўямиз. Аёлларимизнинг ҳомиладорлик вақтида асабийлашиши, камқонлик касаллиги бола носоғлом туғилишига олиб келади.

— Вилоятларга ҳам чиқиб турасизларми?

— Албатта, биз республика бўйича болалар асаб касалликлари шифокорларини тайёрлаб, врачлар малакасини оширамиз. Вилоятларга шу соҳа бўйича тез-тез ташриф буюрамиз. Санитария-авиация йўли билан сайёр цикллар уюштириб турибмиз. Бундан ташқари, кафедра ходимлари томонидан оғир беморларни тўғри ташхис қўйиб, даволашда услубий-амалий ишлар, мутахассислик бўйича мунтазам равишда ўқув қўлланмалари, дастурлар нашр этиб турамиз. Жумладан, «Болаларда ўткир фалаж», «Қон-томир дистонияси», «Асаб ва руҳий касалликлар» каби даволаш бўйича услубий қўлланмалар чиқардик. Симпозиум, конференцияларда иштирок этиб, илмий анжуманлар уюштириб турамиз.

— Ҳозир пуллик шифохоналар кўпайиб кетаяпти. Лекин уларнинг ҳаммасида ҳам малакали шифокорлар хизмат қилиб, тезкор даволаш усулларини қўллашмокда, деб айта олмаймиз. Мутахассис сифатида бу борада сизнинг фикрингизни билмокчи эдим.

— Неврология соҳаси катта тажриба талаб этадиган қийин соҳадир. Бугун диплом олиб, эртага клиника очиб ишлаб бўлмайди. Инсонлар турли тоифада, ҳар хил бўлишади. Лекин мен оқ халатли шифокорларнинг кўнгли ҳам оқ бўлишини, қаерда ишласа ҳам, хоҳ у давлат шифохонаси бўлсин, хоҳ у хусусий касалхона, куюнчак, фидойи инсон бўлишларини жуда истардим.

— Сизни қийнаган ўйлар...

— Аёл бу — мўъжиза. Мен оилалардаги аёлга муносабат ўзгаришини истардим. Фарзандни дунёга келтириш жасорат, уни катта қилиш ундаги катта куч талаб қилади. Оналар соғлом бўлсагина соғлом бола туғилади. Мана шуни оталаримиз, қайноналар тезроқ тушунишини жуда-жуда хоҳлайман.

Яна бир таклифим бор. Касалхонамиз қошида болалар неврология маркази очилса яхши бўларди. Бизда чақалоқлар бўлими мавжуд, туғруқ комплекси яқинда ишга тушади. Ҳозир болалар орасида бу касаллик кўпайиб, шифокорлардан тезкорликни, малакали даволаш усулларини талаб этаётир. Чақалоқда ўзгариш сезилдими, дарров махсус бўлимга ўтказилади ва ҳоказо. Мен бу масала тегишли идораларда кўриб чиқилади, деб умид қиламан.

— Болалар бу касалликка чалинмаслиги учун нима қилиш керак?

— Аввало, ота-оналарни бефарқ бўлмасликка чақирардим. Ҳозир болаларда қисқа муддатли ҳуш йўқотиш, шайтонлаш хуружи кўп учраяпти. Бир ёшгача болалар алоҳида эътибор талаб этади. Негаки шу ёшда касаллик хуружи болани руҳий касал қилиб қўйиши мумкин. Болаларга ёзиб берилган дорилар мунтазам олиниши керак. Ҳомиладор аёллар бола туғилгунига қадар врач назоратида бўлишса яхши бўларди.

Касалхонадан қайтишимда шундоқ ёнгинамда бир қўли ва бир оёғи яхши ишламаганидан оқсоқланаётган бир болакайга кўзим тушди. Мен гўдакни кузатар эканман, болаларимизни соғлом ўсиши учун ота-оналар нақадар масъул эканликларини ҳис этдим. Юртимиз болалари ҳеч қачон бундай оғир дард билан оғримасинлар, югуриб-елиб шодон кулгилари билан биз ота-оналарни қувонтираверишсин, деган ўй кечди хаёлимдан.

■ **ШАҲРИБОНУ суҳбатлашди**

***

Суратларда: *1. (чапдан) бўлим мудири, олий тоифали врач Муаттар Хўжаева муолажа ҳамшираси Маъмура Иноятова билан. 2. Янги келган бемор албатта тўлиқ кўрикдан ўтказилади. Мактуба Ғуломова ҳамкасблари даврасида.*

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

ИНСОН ВА ТАБИАТ

СУВГА ТУПУРМА, ЮЗИНГ ҚОРА БЎЛАДИ

Сув! Бу учгина ҳарфдан иборат сўз тагида қанча маъно бор. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикасида яшаётган инсонлар сув танқислиги нима эканлигини яхши англашади. Лекин беш қўл баробар эмас экан. Мен Нукусимиз бағрини иккига бўлиб, худди юрак қон томири сингари жўш уриб оқаётган «Қизкеттан» канали ҳақида ёзмоқчиман.

Бу каналнинг қачон ва кимлар томонидан қазилганлигини билмайман-у, лекин ўлкамизни ободонлаштириш ниятида қазилганлиги маълум. Орайлиқ бозори шу каналнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Шу бозордан то аҳоли яшаётган жойгача қирғоқ бўйлаб юрсангиз, сувнинг даҳшатли тарзда булғанаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Ифлосликни ювиб пок қилувчи сув, бугун ўзига тинимсиз ташланаётган ахлатларни тозалашдан чарчаётгандек кўринади. Темир-терсак, шиша синиқларини кўриб ачиниб кетасан, киши. Сувни оби-ҳаёт дейишади, боғ-роғлар ободлиги, танамиз озодалиги ва соғлиғи гарови бу қадар хор бўлаётганини наҳотки ҳеч ким кўрмаса?!

Айрим шахслар сигирнинг ички органларини ювиб, кераксиз ичак-чавоқларини каналга оқизиб юбораётганда ҳамқишлоқлари соғлиқларига хавф солаётганликлари наҳот хаёлларига келмаса?!

Менинг бувижоним кичкиналигимиздан «Сувга тупурма, юзи қора бўласан», — деб ўргатганлар. Сувни булғаётганлар бундай ҳикматли сўзларни эшитишмаган, назаримда. Иқлим мувозанатининг бузилишига ота-боболаримиз ўгитларига амал қилмаётганимиз сабаб эмасмикин?! Осмонимиз мусаффо, еримиз тоза ва сувимиз тиниқ бўлса одамзотга хуруж қилаётган юқумли касалликлар албатта йўқолишига ишонаман. Тегишли идоралар, одамлар менинг ушбу хатимдан тўғри хулоса чиқариб олади, деган умиддаман.

■ **Роза АВАЗМЕТОВА, Нукус шаҳридаги 12-сонли ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси**

ҲАЙРАТ

■ **Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

СКАНВОРД



Тузувчи: Акрамжон ХЎЖАМОВ

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз азизларни 2001 йил 27 июнь, 6,13 июль кунлари соат 11⁰⁰ да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларга таклиф этади.

САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

1. Бекобод шаҳри Гидрометрия қўрғонида жойлашган, сатҳи 400 кв. м. бўлган 2 та ер майдони. Ҳар бир ер майдонининг **бошланғич баҳоси — 42920 сўм.**

2. Бекобод шаҳар У. Юсупов кўчасида жойлашган, сатҳи 400 кв. м. бўлган 1 та ер майдони.

Ер майдонининг бошланғич баҳоси — 120640 сўм.

3. Юқоричирчиқ тумани «Интермаш» ОТҲЖга қарашли Паркент тумани «Гулбоғ» ширкат хўжалиги, «Оқсоқ-ота» ҳудудида жойлашган дам олиш маскани.

Бошланғич баҳоси — 2500000 сўм (ер майдони бу баҳога кирмайди).

Шунингдек, «Ўзбекистон овози» газетасининг 2001 йил 24, 39, 48, 51-сонларидаги эълонларга асосан савдога қўйилган ва сотилмай қолган ёки қайтган ер майдонлари, иншоотлар ва автотранспортлар ҳам ушбу савдоларда сотилиши мумкин.

Биржа савдолари ҳафтанинг сешанба, чоршанба, пайшанба кунлари ўтказилади.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51-уй, 3-қават, 9-хона.
Тел.: 133-77-18. Факс: 133-49-31.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти маъмурияти ва меҳнат жамоаси институт кичик илмий ходими Ҳамдам Абдусаломовга отаси

Холдор АБДУСАЛОМОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

ИЕ, ЙЎҒ-Е, НАҲОТКИ?!

ЎРТОҚ САРТАРОШ, ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ-ДА...

Талдин шаҳри фуқароларидан бири сартарош томонидан сочига етказилган зиённи 20 минг доллар баҳолади. Ган шундаки, гўзаллик салонига ташриф буюрган 20 ёшли Мерли Бергманн бош териси қуйғани ташхиси билан шифохонага жўнатилди ва у ерда ўн кун даволанди. Лекин унинг бошидаги бир неча квадрат сантиметр жойидан соч ўсиб чиқмади. Швециялик шифокорлар унинг сочини ўстиришга ҳаракат қилишини билдиргач, бу операция учун кетадиган харажатларни Мерли гўзаллик салонидан суд орқали ундириб олишга қарор қилди.

ҲАЛОЛЛИККА ИШОНЧ ШУМИ?

Бизнинг замонамизда ҳалол тер тўкиб бой бўлиш мумкинми? Бу саволга ҳар ким ҳар хил жавоб бериши табиий. Чунки дунё халқлари турфа. Демак, уларнинг дунёқараши ҳам турлича. Лекин айрим фикрларни эшитиб, юракларда ғулғула туради.

Ган шундаки, венгерларнинг фақат бештадан биттасигина ҳалол йўл билан бой бўлиш мумкинлигига ишонар экан, холос. Бу фақат венгерлар ўртасида ўтказилган сўровнинг натижаси. Агар дунё бўйича сўров ўтказилса-чи? Жавоблар қандай бўларкин? Наҳот, олам қаллобларга сероб бўлса? Наҳот, ҳалол яшаш қийинлашиб бораётган бўлса?

МАРРАГА ЕТМАСДАНОҚ... НИКОҲДАН ЎТИШДИ

Ҳозир дунёда никоҳ маросимини ўзига хос, ҳеч кимникига ўхшамайдиган тарзда ўтказиш урф бўлиб бораяпти. АҚШнинг Индиана штатилик 49 ёшли Ванда Жонс ва 56 ёшли Кларенс Мелион ҳам шундайлар тоифасидан чиқиб қолди. Улар беш километр масофага чопиш мобайнида ҳали маррага етмасданоқ йўлдаги черковда никоҳдан ўтиб қўя қолишди.

ҚОНУНБУЗАР ДРАМАТУРГ

Вильям Шекспирнинг буюк драматурглиги шубҳасиз. Бироқ Оксфорд университети олимаси Кэтрин Дунка-Жонс унинг қонунбузар ҳам бўлганини аниқлади. Унинг сўзларига қараганда, драматург солиқ тўлашдан қочган, қашшоқлар, етимлар ва ногиронлар учун хайрия жамғармаларига маблағ ўтказишдан бўйин товлаган экан. Олима Шекспирнинг солиқ тўлашдан қочганини тасдиқловчи тўртта ҳужжатни қўлга киритган.

ЭГАСИ ЙЎҚ БУЮМЛАР

Мадриддаги яккаю ягона топилмалар бюросига ўтган йили 30 мингга яқин йўқотилган буюм келтирилган экан. Улар орасида соябон, мобил телефонлари, ҳаттоки мармар қабртош ҳам бор. Топилмаларнинг ўн мингга яқини эгаларига қайтарилди. Аммо қолганларининг эса эгаси ҳалиям чиқмаяпти, яъни буюм йўқотганлар излаб келмаяпти.

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
ÓZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:

Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Farruh HAMROYEV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta Ozbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qomitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 2002

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA